

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.20/30.12.2019.S.23.02 РАҚАМЛИ ИЛМий  
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЗИЯЕВА ХОЛИДА ОМОНҚУЛ ҚИЗИ**

**МАИШИЙ ЗЎРАВОНЛИККА УЧРАГАН ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ  
ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ  
МЕХАНИЗМЛАРИ**

**22.00.03 – Ижтимоий онг ва ижтимоий жараёнлар социологияси**

**Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2021**

**Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
социологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on  
Sociological Sciences**

**Зияева Холида Омонкул қизи**

Маиший зўравонликка учраган хотин-қизларни ижтимоий ҳимоялаш  
самарадорлигини ошириш механизмлари.....3

**Зияева Холида Омонкул кизи**

Механизмы повышения эффективности социальной защиты женщин,  
пострадавших от бытового насилия .....25

**Ziyaeva Kholida Omonkul kizi**

Mechanisms to increase the effectiveness of social protection for  
women victims of domestic violence.....45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....49

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.20/30.12.2019.S.23.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЗИЯЕВА ХОЛИДА ОМОНҚУЛ ҚИЗИ**

**МАИШИЙ ЗЎРАВОНЛИККА УЧРАГАН ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ  
ИЖТИМОЙ ҲИМОЯЛАШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ  
МЕХАНИЗМЛАРИ**

**22.00.03 – Ижтимоий онг ва ижтимоий жараёнлар социологияси**

**Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/S47 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.dba.uz](http://www.dba.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Нарбаева Танзила Камаловна**  
социология фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Умаров Абдусалом Адилевич**  
социология фанлари доктори,  
профессор

**Нурматова Мукаррам Ахмедовна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳузуридаги DSc.20/30.12.2019.S.23.02 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 45-уй. Тел.: (371) 232-60-47, факс: (371) 239-17-83, e-mail: [info@dba.uz](mailto:info@dba.uz). Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси маъмурий биноси, 2-қават, мажлислар хонаси).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 45-уй. Тел.: (371) 232-60-47, факс: (371) 239-17-83, e-mail: [info@dba.uz](mailto:info@dba.uz)).

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**М.Б. Бекмуродов,**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, соц.ф.д., профессор

**А.Б. Юнусов,**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш котиби, соц.ф.н., доцент

**Ш.М. Содиқова,**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, соц.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё миқёсида кечаётган глобаллашув жараёнлари нафақат иқтисодий, балки ижтимоий муносабатларга ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Маълумотларга кўра, «дунё аҳолиси 7,6 миллиарддан ортиқ, улардан 49,7%и хотин-қизлардан иборат бўлиб, 35% хотин-қизлар ҳаёти мобайнида камситилишга учрамоқда. Яъни, ҳар уч аёлдан бири зўравонликка учраганини кўриш мумкин»<sup>1</sup>. Хотин-қизларнинг жамиятга интеграциялашуви, ижтимоий-сиёсий маданиятининг ўсиши маиший зўравонликка учраган хотин-қизлар билан ишлашда самарали механизмлар жорий этилишига бевосита боғлиқлиги боис, уларни ижтимоий ҳимоялаш долзарб аҳамият касб этади.

Жаҳонда маиший зўравонликка учраган хотин-қизларни ижтимоий ҳимоялаш, маиший зўравонликка учраган хотин-қизлар профилактикаси, хотин-қизларнинг жамиятда гендер тенгликни таъминлашга оид конструктив механизмлар тизимини такомиллаштириш учун ижтимоий ҳаётда аёлларга нисбатан маиший зўравонликни батамом тугатиш, гендер камситилишларга барҳам бериш, камбағалликни қисқартириш, хавфсиз ҳаёт тарзи, миграция, тиббий хизмат кўрсатишда барчага тенглик принципи мустаҳкамланиши ҳамда аёлларнинг иқтисодий, сиёсий имкониятларини таъминлаш зарурати жаҳоннинг йирик илмий марказлари томонидан олиб борилаётган тадқиқотларда илгари сурилмоқда.

Мамлакатимизда зўравонликни камайтириш, маиший зўравонликка учраган хотин-қизларни давлат томонидан ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштириш, ижтимоий ҳаётда эркаклар билан тенг равишда хотин-қизларга ҳам ўз иқтидори, истеъдодини эркин намоён қилишга кенг имкониятлар яратиш бериш борасидаги ишларни янги босқичга олиб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда. «Энг оғир, мураккаб масалаларимиз аёллар бўйича. Халқимизнинг талаби ўсиб борапти. Биз шу талабларга муносиб шароит яратиш беришимиз керак»<sup>2</sup>. Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлашга доир ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш борасида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини ошириш учун тизимли тадқиқотлар олиб борилиши илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2020 йил 18 февралдаги ПФ-5938-сон «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2018 йил 2 июлдаги ПҚ-3827-сон «Ижтимоий реабилитация

1 Gender-based Violence Area of Responsibility .<https://www.unfpa.org/gender-based-violence>.10.02.2021.

2 Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил 26 февралдаги хотин-қизларнинг муаммоларини ҳал қилиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалалари муҳокамаси юзасидан селектордаги нутқи. «Халқ сўзи» газетаси, 2021 йил 27 февраль.

қилиш ва мослаштириш, шунингдек, оилавий-маиший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» номли устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни, уларнинг эркаклар билан муносабати ҳақида инсоният қадимги даврлардан бошлаб фикр юрита бошлаган. Зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто»да оила-никоҳ муносабатлари, аёлларга муносабат хусусида бир қатор фикрлар баён қилинган. Унда қариндошларнинг ўзаро оила қуриши қатъий ман этилган<sup>3</sup>. Муқаддас Қуръони каримнинг «Нисо» сурасида хотин-қизларга нисбатан муносабатларнинг хусусиятлари батафсил белгилаб берилган<sup>4</sup>.

Хотин-қизларни ижтимоий ҳимояси масаласига Шарқ алломалари алоҳида эътибор қаратганлар. Жумладан, Абу Райҳон Беруний ўзининг «Минерология» асарида: «Оила тинчи бевосита ақлли, фаросатли, тарбияли аёллар қўлидадир»<sup>5</sup>, дея уқтирган. Абу Али ибн Сино эса «Тадбири манзил» асарининг «Афсофий беҳтарин занҳо» бўлимида ёзишча: «У ўз табиати ва яхши томонлари билан эридаги камчиликларни йўқотсин»<sup>6</sup> дея, аёллар зиммасига ҳам масъулият юклаган. Буюк аллома Алишер Навоий «Маҳбуб-ул-қулуб» асарининг «Уйланиш ва хотинлар тўғрисида»ги фаслида аёлнинг турмушдаги ҳиссасига қуйидагича тўхталади: «Яхши хотин – оиланинг давлати ва бахти. Уйнинг озодалиги ундан, уй эгасининг хотиржам ва осойишталиги ундан. Ҳуснли бўлса – кўнгил ёзиғи, хушмуомала бўлса – жон озиғидир. Оқила бўлса, рўзғорда тартиб-интизом бўлади, асбоб-анжомлар покиза ва саранжом туради»<sup>7</sup>. Шунингдек, Аҳмад Дониш «Наводир ул вақоеъ» номли асарида қуйидагиларни ёзади: «Оилавий бахт кўпроқ хотинларга боғлиқ, чунки эркак учун солиҳа хотиндан ортиқроқ ҳеч бир неъмат йўқдир, оиладаги иноқлик, тотувлик, саранжомлик улар қўлидадир»<sup>8</sup>. Бу жамиятдаги хотин-қизлар масалаларига, уларни ижтимоий ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилганлигидан далолат беради.

Мамлакатимиз олимлари М.Бекмуродов, А.Умаров, А. Холбеков, Р.Убайдуллаева, Н.Алиқориев, М.Ганиева, М.Нурматова, Ш.Содиқова,

3 Лелеков Л. А. Авеста в современной науке. – Москва: 1992. – С.13.

4 Шайх Абдулазиз Мансур. Қуръони карим маъноларининг таржимаси. –Тошкент: Тошкент Ислом университети нашриёти, 2007. – Б.77.

5 Абу Райҳон Беруний. Минерология. – Москва: 1963. – С. 256.

6 Раҳимов С. Абу Али ибн Сино. Таълим ва тарбия ҳақида. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1967. – Б.99.

7 Алишер Навоий. Маҳбуб-ул-қулуб. – Тошкент: 1966. 13-жилд. – Б.244.

8 Аҳмад Дониш. Наводир ул-вақоеъ. – Душанбе: «Дониш», 1989. – Б.339.

Т.Матибаев, О.Абдуазимов, Т.Нарбаева, Н.Латипова, А.Сеитов, Д.Тошмухаммедова, М.Гаффарова, Г.Ўрозалиевалар<sup>9</sup>нинг ишларида хотин-қизлар жамият ҳаётида муносиб ўрин эгаллаши, хотин-қизларнинг давлат ва жамиятдаги гендер тенглигини таъминлаш, уларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш, хотин-қизлар ижтимоий нуфузини ошириш ҳамда Ўзбекистонда хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилишда инновацион механизмларни аниқлаш каби масалалар социологик таҳлил қилинган.

Э.Дюргейм, Р.Дарендорф, Т.Боттомор, Л.Козер<sup>10</sup> каби хорижлик олимлар аёлларга нисбатан зўравонлик қўлланилишининг бош омили сифатида иқтисодий етишмовчилик, ҳокимиятни тақсимлашга интилиш ва ижро механизмининг нотўғри тақсимотини кўрсатишган. Гендер ва феминистик таълимотларга доир тадқиқотлар олиб борган М.Жонсон, Д. Чафетс, К.Уордлар гендер тенгсизлик ва маиший зўравонликнинг сабабини патриархал оила тизимида эканлигига, шунингдек, аёлларнинг фақат уй ишлари билан шуғулланишлари билан бирга, ўз мавқеларини мустаҳкамлашлари орқали зўравонликдан ҳимояланишлари мумкин эканлигига эътибор қаратишган. МДХ мамлакатларида хотин-қизлар сиёсий фаоллиги жиҳатларига бағишланган тадқиқотларни О.Хасбулатова, С.Айвазова, Н.Досина, О.Воронина, Е.Здравомыслова, И.Юкина<sup>11</sup>ларнинг

---

9 М.Бекмуродов. Замонавий бошқарув социологияси. Монография. -Тошкент: Yoshlar nashriyot uyi, 2020. - Б.160; Умаров А.О. Ижтимоий-маданий тараққиётни таъминлаш ва комил инсон шахсини шакллантиришда мутолаанинг роли. / Соц. фан. докт. дис.... – Тошкент: ЎЗМУ, 2005.; Холбеков А.Ж. ва б. Ижтимоий адолат ва демократия: барқарор тараққиёт йўлида. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. – Б. 186; Убайдуллаева Р.А., Бекмуродов М.Б. Что мешает женщине, <http://www.centrasia.ru.>; Алиқориев Н.С. Хотин-қизлар бандлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни / “Аёл, оила ва жамият: қонун ҳужжатлари ва уларни янада такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция мақолалар тўплами. – Тошкент:2017.– Б.213-218; Ganieva M. and others. Family violence in modern Uzbekistan, International Journal of Psychosocial Rehabilitation ISSN:1475-7192. [https://www.psychosocial.com/article-category/issue-6/Volume 24, pp. 3926- 3943](https://www.psychosocial.com/article-category/issue-6/Volume 24, pp. 3926- 3943;); Nurmatova Mukarram Akhmedovna, .Mechanisms of improving social protection of women: risk indicators and statistics (in the context of gender-based violence).Journal of Critical Reviews. ISSN: 2394–5125. Volume-7 Issue-4,2020 page 38-41; Содикова Ш.М.Ўзгаришлар социологияси. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Akademiya, 2019.; Матибаев Т. Ижтимоий ҳамкорлик – миллатлараро бағрикенгликни таъминлаш воситаси. – Тошкент. Yangi kitob, 2016. – Б.184.; Абдуазимов О.У. Ахборотлашган жамиятда жамоатчилик фикри мониторингини таъминлашда оммавий коммуникациялар социологиясининг ўрни. / Соц. фан. докт. дис..... – Тошкент: 2017.; Нарбаева Т. Ўзбекистонда хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг инновацион модели. Социодискурсив таҳлил. Монография.- Тошкент: Тасвир, 2020.Б.10., Нарбаева Т.К., Латипова Н.М. Профилактика насилия над женщинами и детьми. Учебное пособие. – Ташкент. 2019. –С.160; Латипова Н.М. Социальная защита семей и детей. Монография. – Ташкент: Наврўз. – Б.215 Латипова Н.М. Профилактика недостойного обращения с ребенком. Методическое пособие. – Ташкент: НУУз. 2016. – С.100; Сеитов А.П. Социологическое видение восточной цивилизации: генезис и дальнейшие перспективы. Монография. – Ташкент: Издательство Национальной библиотеки Узбекистана имени Алишера Навои, 2019. – С.183.; Ташмухаммедова Д.Г., Каримова Д.М., Мавлонов Б. Современная семья в Узбекистане. Научно-методическое пособие. – Ташкент: Оила. 2019. – С.136; Гаффарова М.К. Ўзбекистон хотин-қизларнинг социомаданий қиёфаси. Монография.- Тошкент: Янги китоб, 2020.- Б. 288.; Ўрозалиева Г.Б. Гендер муносабатларининг аёллар ҳуқуқий маданиятини такомиллаштиришга таъсири (социологик таҳлил): автореф... соц. фан. номзоди. Мирзо Улуғбек номидаги ЎЗМУ. - Тошкент, 2006. –Б.22.

10 Durkheim, Émile. The Rules of Sociological Method, Preface to the Second Edition, trans. W.D.Halls, The Free Press, 1982, P.45. Семёнов В.А. «Диалектический метод» в конфликтологии Р. Дарендорфа. [aconflict.ru](http://aconflict.ru) (1 июля 2009). Дженнифер; Outhwaite, Уильям. "Bottomore, Томас Бертон". Оксфорд Национальный биографический словарь (онлайн-е изд.). Oxford University Press. DOI: 10,1093. Козер Л. А. Мастера социологической мысли: Идеи в историческом и социальном контексте – Москва: Норма, 2006. – С.528.

11 Хасбулатова О А. Обзор опыта советской государственной политики в отношении женщин // Гендерная реконструкция политических систем / Ред.-сост. Н. М. Степанова, Е. В. Кочкина. СПб.: Алетейя, 2004.— С.397

илмий ишларида кузатиш мумкин. Мазкур олимлар зўравонликка олиб келувчи омиллар, хотин-қизларнинг психологик ва ахлоқий реакциялари, зўравонликни тадқиқ этишга қаратилган усул ва назариялар, зўравонликни бартараф этишга оид масалаларни таҳлил этишган.

Мамлакатимизда олиб борилган тадқиқотларда зўравонликка учраган хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалаларига эътибор қаратилган бўлсада, лекин уларда хотин-қизларга нисбатан маиший зўравонлик ва маиший зўравонликнинг самарали механизмлари етарли даражада ўрганилмаган. Маиший зўравонликка учраган хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш механизмлари йўналишида тадқиқотларни амалга ошириш долзарб, илмий-амалий аҳамиятга эга ҳисобланиб, бу эса диссертант томонидан мазкур мавзунини тадқиқот предмети сифатида махсус ўрганишга ундади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон миллий университетининг илмий тадқиқот ишлари режасининг 2018-2020 йилларга мўлжалланган ПЗ-2017093020 «Олий ва ўрта махсус таълим тизимини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва прогнозлаштиришнинг услубий асосларини ишлаб чиқиш ва комплекс дастурини яратиш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** маиший зўравонликка учраган хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш жараёнига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва зўравонликка учраган хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

«маиший зўравонлик» тушунчаси, оилавий тазйиқ турлари ва унинг ижтимоий моҳиятини ўрганиш;

маиший зўравонликка учраган хотин-қизлар камситилиш ҳолатлари таҳлилининг гендер асосларини ёритиш;

хотин-қизларга нисбатан маиший зўравонликни бартараф этишга қаратилган сиёсатнинг самарадорлигини баҳолаш масалаларини таҳлил қилиш;

маиший зўравонликка учраган хотин-қизлар билан ишлаш самарадорлигини ошириш механизмларини тадқиқ этиш;

---

– 407.; Айвазова С. Г. Российские выборы: гендерное прочтение. Москва., 2008; Айвазова С. Г., Кертман Г. Л. Мужчины и женщины на выборах: гендерный анализ избирательных кампаний 1999 и 2000 гг. в России. Москва.: 2000; Они же. Мы выбираем, нас выбирают. Гендерный анализ парламентских и президентских выборов 2003 – 2004 годов в России. Москва.: 2004.; Досина Н. В. Проблема демократизации общества в контексте глобальных изменений в гендерные исследования // Женщина в российском обществе. 2007. № 2. Воронина О. А. Феминизм и гендерное равенство. Москва.: 2004. Здравомыслова Е. А., Темкина А. А. Гендерное измерение социальной и политической активности в переходный период. СПб., 1996; Гендерные аспекты политической социологии: Учебн. пособие. Москва., 2004.- С.34. Юкина И. И. Русский феминизм как вызов современности. Санкт-Петербург.: 2007. Sreberny A., van Zoonen L. Gender, Politics and Communication: Introduction // Gender, Politics and Communication. Hampton Press, N.J., 2000; Wahl-Jorgensen K. Constructing Masculinities in U.S. Presidential Campaigns: The Case of 1992 // Gender, Politics and Communication.

хотин-қизларга нисбатан маиший зўравонликка қарши курашиш самарадорлигини оширишга қаратилган хориж тажрибасини ўрганиш;

Ўзбекистонда маиший зўравонликка учраган хотин-қизлар билан ишлашнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш;

маиший зўравонликка учраган хотин-қизлар ижтимоий вазиятини ўрганишга қаратилган социологик таҳлил ўтказиш;

Ўзбекистонда маиший зўравонликка учраган хотин-қизлар ижтимоий ҳимоясини такомиллаштириш механизмлари бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** Ўзбекистонда маиший зўравонликка учраган хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш жараёнлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** Ўзбекистонда маиший зўравонликка учраган хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг ўзига хос хусусиятларидан иборат.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқотда тизимли, қиёсий таҳлил, ҳужжатларни таҳлил қилиш, интервью, анкетали сўровнома, эксперт сўрови усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

маиший зўравонликка учраган хотин-қизларга нисбатан қўлланилган зўравонликнинг хавфлилик даражасини (турмуш ўртоғи, қайнона ва қайнота ҳамда фарзандлари томонидан) аниқлашда Кемпбелл методи, маиший зўравонликни скрининглаш (хавфга тезкор баҳо бериш)да Даттон методи, тазйиқ хавфини (зўравонликда айбланувчининг хатти-ҳаракатлари, рухий ҳолати, ҳуқуқбузарликнинг табиати)ни баҳолашда Сара методларининг афзаллиги исботланган;

хотин-қизларга нисбатан қўлланилган маиший зўравонликнинг ўсиб бориш сабабларини аниқлашда Уолкер модели (2 соатдан 24 соатгача давом этадиган камситиш, барча ҳуқуқларидан маҳрум қилиш, озодликни чеклаб қўйиш), хотин-қизларга жисмоний ва эмоционал зўравонлик ўтказувчи шахсларнинг социал портретини аниқлашда Дулут модели (таъқиб, тажовуз, қўрқитиш, таҳдид, ажратиб қўйиш, болалардан фойдаланиш)ни жорий этиш зарурияти асослаб берилган;

маиший зўравонликка учраган хотин-қизларни ижтимоий ҳимояга тўлиқ қамраб олиш учун ИИВ тизимида (зўравонлик қурбонлари билан ишловчи инспектор) ҳамда маҳаллаларда доимий иш олиб боровчи (ижтимоий ходим) штатлар ташкил қилиниши ва зўравонликка учраган хотин-қизларни самарали ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида интервенция (инспектор ва ижтимоий ходимнинг аралашув ваколати) фаолиятини жорий қилиш зарурати асослаб берилган;

зўравонликка учраган хотин-қизларга ёрдам кўрсатишни тизимли ташкил этиш (ҳар бир ҳудудда биттадан намунавий марказлар), уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш (сектор раҳбарлари, ҳокимларнинг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчилари томонидан), ишларни ҳар бир хонадон ва маҳалла кесимида олиб борилиши маиший зўравонлик профилактикаси ва

зўравонликни ўз вақтида аниқлаш интенсивлигини таъминлашнинг аҳамияти очиб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

социологик тадқиқотлар асосида маиший зўравонликка учраган хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш механизмлари самарадорлигини ошириш жараёнларининг хусусиятлари ўрганилган;

жамият ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳаларидаги янги ривожланиш босқичида маиший зўравонликка учраган хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилувчи давлат органлари, нодавлат ноtijорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олингани, пилотаж ҳамда кенг қамровли социологик сўров саволларини тузиш қоидаларига тўлиқ риоя этилгани, ҳар бир саволнинг назорат саволи билан текшириш таъминлангани, фокус интервью усулини ўтказишда стандартлашган процедурага асослангани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ва амалий тавсиялардан маиший зўравонликка учраган хотин-қизларни ижтимоий ҳимоялашнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари ва уларни ижтимоий ҳимоялаш тизимини янада такомиллаштириш жиҳатларини чуқур тадқиқ этишга бағишланган махсус илмий ишларда манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, диссертация тадқиқоти ғоя ва материалларидан «Ижтимоий фикр» республика жамоатчилиқ фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган социологик тадқиқотларда, олий ўқув юртларида «Зўравонликка учраган аёллар ва болалар билан ижтимоий иш профилактикаси» ва «Ижтимоий иш назарияси» фанлари бўйича ўқув дастурларини такомиллаштириш, дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар тайёрлаш ҳамда ўқитишда фойдаланиш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Маиший зўравонликка учраган хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш механизмларини тадқиқ қилиш асосида:

маиший зўравонликка учраган хотин-қизларга нисбатан қўлланилган зўравонликнинг хавфлилиқ даражасини (турмуш ўртоғи, қайнона ва қайнота ҳамда фарзандлари томонидан) аниқлашда Кемпбелл методи, маиший зўравонликни скрининглаш (хавфга тезкор баҳо бериш)да Даттон методи, тазйиқ хавфини (зўравонликда айбланувчининг хатти-ҳаракатлари, руҳий ҳолати, ҳуқуқбузарликнинг табиати)ни баҳолашда Сара методларининг афзаллиги исботланганлиги маълумотидан «Ижтимоий фикр» Республика

жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази томонидан 2019 йилда «Ўзбекистонда фуқароларининг гендер тенглиги» тўғрисида ўтказилган социологик тадқиқотлардаги анкетанинг «D» блокида 5 та, «E» блокида 3 та саволларни тузишда фойдаланилган («Ижтимоий фикр» Республика жамоатчилик фикрини ўрганиш Марказининг 2019 йил 03 июндаги 01-16/158-1-сон маълумотномаси). Мазкур натижаларнинг амалиётга тадбиқ этилиши Ўзбекистонда аёллар ва эркакларнинг гендер тенгсизлиги сабабли маиший зўравонликка учраган хотин-қизларнинг ижтимоий ҳолати уларни ижтимоий ҳимоясини ташкил этиш бўйича тегишли ташкилотлар ва органларга таклиф ва тавсиялар бериш имконини берган;

хотин-қизларга нисбатан қўлланилган маиший зўравонликнинг ўсиб бориш сабабларини аниқлашда Уолкер модели (2 соатдан 24 соатгача давом этадиган камситиш, барча ҳуқуқларидан маҳрум қилиш, озодликни чеклаб қўйиш), хотин-қизларга жисмоний ва эмоционал зўравонлик ўтказувчи шахсларнинг социал портретини аниқлашда Дулут модели (таъқиб, тажовуз, кўрқитиш, таҳдид, ажратиб қўйиш, болалардан фойдаланиш)ни жорий этиш зарурияти асослаб берилганлиги маълумотидан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 3827- сонли Қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда мамлакатимизда хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш борасидаги қўмитанинг қуйи ташкилотларига берилган услубий кўрсатмаларини тайёрлашда фойдаланилди. (Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг 2019 йил 7 ноябрдаги № 13/2276-19-сон маълумотномаси). Ушбу натижалар хотин-қизларга нисбатан қўлланилган маиший зўравонликни ўсиб бориш сабабларини назарий ва илмий асослашда ҳамда хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштиришда ўз самадорлигини кўрсатган;

маиший зўравонликка учраган хотин-қизларни ижтимоий ҳимояга тўлиқ қамраб олиш учун ИИВ тизимида (зўравонлик қурбонлари билан ишловчи инспектор) ҳамда маҳаллаларда доимий иш олиб борувчи (ижтимоий ходим) янги штат бирлиги ташкил қилиниши ва зўравонликка учраган хотин-қизларни самарали ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида интервенция (инспектор ва ижтимоий ходимнинг аралашув ваколоти) фаолиятини жорий қилиш зарурати асослаб берилганлиги маълумотидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги ПФ-5938-сонли «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони лойиҳасини тайёрлашда фойдаланилди. (Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг 2020 йил 11 майдаги 13/2276-19-сонли маълумотномаси). Ушбу натижалар маиший зўравонликка учраган хотин-қизларни ижтимоий ҳимояга тўлиқ қамраб олиш, хотин-қизларни самарали ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида интервенция

фаолиятини жорий қилиш тизимини янада такомиллаштиришда ўз самадорлигини кўрсатган.

зўравонликка учраган хотин-қизларга ёрдам кўрсатишни тизимли ташкил этиш (ҳар бир ҳудудда биттадан намунавий марказлар), уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш (сектор раҳбарлари, ҳокимларнинг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчилари томонидан), ишларни ҳар бир хонадон ва маҳалла кесимида олиб борилиши маиший зўравонлик профилактикаси ва зўравонликни ўз вақтида аниқлаш интенсивлигини таъминлашнинг аҳамияти очиб берилганлиги маълумотидан «Ижтимоий фикр» Республика жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази томонидан 2019 йилда «Оила ва жамият» мавзусида ўтказилган социологик тадқиқотлардаги анкетанинг «В» блокада 2 та ва «С» блокада 2 та саволларни тузишда ҳамда «Оила ва маънавият» мавзусида ўтказилган социологик тадқиқотлардаги анкетада 4 та саволларни тузишда фойдаланилган («Ижтимоий фикр» Республика жамоатчилик фикрини ўрганиш Марказининг 2020 йил 03 июндаги 01-16/158-2-сон маълумотномаси). Мазкур натижаларнинг амалиётга татбиқ этилиши Ўзбекистонда аёллар ва эркекларнинг оилавий муносабатларини ва оиладаги маънавий муҳитни бузилиши оқибатида маиший зўравонликни келиб чиқиши ҳамда зўравонликка учраган хотин-қизларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда реабилитация қилишни ташкил этиш бўйича сектор раҳбарлари, ҳокимларнинг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчиларига тегишли таклиф ва тавсиялар беришда ўзининг самарадорлигини кўрсатган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги томонидан «Маиший зўравонликка учраган хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш механизмлари» мавзусидаги социологик тадқиқот Дастури муаллифлик ҳуқуқи объекти сифатида депонентланган. («Интеллектуал мулк консультатив маркази» давлат унитар корхонасининг 2020 йил 31 майдаги 002177-сонли гувоҳномаси).

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро, 4 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий мақолалар чоп этилган бўлиб, шулардан Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосида илмий натижаларни чоп этишга тавсия этилган нашрларда 5 та, шундан 2 таси хорижий журналларда, 6 та тезис, шундан 2 таси халқаро конференция материаллари тўпламида чоп этилган. Муаллифлик ҳуқуқи объектини депонентлаш тўғрисида 1 та гувоҳнома олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, унинг ҳажми 140 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республикамиз фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси ҳамда хорижий илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, усуллари ёритилган. Шунингдек, диссертациянинг илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва илмий-амалий аҳамияти баён қилинган.

Диссертациянинг «**Маиший зўравонликка учраган хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш жараёнларини тадқиқ этишнинг назарий-методологик асослари**» деб номланган биринчи бобида «маиший зўравонлик» тушунчасига, оилавий тазйиқ ва унинг турларига, хотин-қизларга нисбатан зўравонликни тадқиқ этишга қаратилган усуллар ва назарияларга, маиший зўравонликка учраган хотин-қизлар камситилиш ҳолатлари таҳлилининг гендер асосларига тўхталган. Диссертант маиший зўравонлик ҳодисасига берилган хилма-хил таърифларни, шунингдек, бу борадаги социологик фанларда мавжуд бўлган турли ёндашув ва парадигмаларни кўриб чиққан.

Қадимги даврлардан хотин-қизларга нисбатан зўравонлик муаммоси илғор фикрли кишилар, давлат арбоблари, илм-фан намоёндаларини бефарқ қолдирмаган. Хотин-қизларга доир назарияларни Хўжа Аҳмад Яссавий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Абдурауф Фитрат каби буюк ўзбек мутафаккирлари таълимотларида намоён этишган. Маълумки, фарзанднинг оиладаги тарбияланиш шароити унинг келажақдаги хатти-ҳаракатлари, мақсадларига ижобий ёхуд салбий таъсир кўрсатишида намоён бўлиши мумкин. Нотинч оилада вояга етган шахснинг айрим вазиятларда бошқаларга қарата ғайриқонуний ҳаракатлар билан «жавоб бериши»нинг эҳтимоли кўпроқ. Шарқ ва Ғарб давлатларида хотин-қизларга нисбатан муносабат тафовутланиб, аксарият илғор фикрли кишилар томонидан уларни ҳимоя қилиш зарурати кўрсатилган. Диссертантнинг фикрига кўра, хотин-қизларга нисбатан зўравонликни бартараф этиш учун инсонларнинг интеллектуал, эстетик, иқтисодий камолотига эътибор қаратиш лозим.

«Маиший зўравонлик – кундалик турмушда оиланинг (никоҳнинг расмий рўйхатга олинганлиги, никоҳдан ажралиш қайд этилган ёки қайд этилмаганлигидан қатъи назар) бир ёки бир неча аъзолари томонидан бошқа бир аъзоси ёхуд бошқа шахснинг ҳаёти, соғлиғи, эркинлиги, ор-номуси, жинсий дахлсизлиги, шаъни, кадр-қиммати ва қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига қарши жисмоний, руҳий, иқтисодий таъсир кўрсатиш ёки уни мунтазам қўллаш билан қўрқитишда ифодаланадиган ҳуқуқбузарлик»<sup>12</sup>.

<sup>12</sup> Арифходжаева И.Х. Ички ишлар идоралари психологияси. Ўқув қўлланма. – Тошкент:2008. – Б. 405.

Бугунги кунда хотин-қизларга нисбатан зўравонликни тадқиқ этишга қаратилган бир неча назариялар мавжуд. Келишмовчилик назариясига кўра, зўравонлик келиб чиқишига қарашларнинг қарама-қаршилиги сабаб бўлади. Леонард Берковицнинг «Зулм сабаблари, оқибати ва назорат» номли асарида оиланинг ижтимоий ва маданий асосларига аҳамият бериб, «Кўполлик янада кўполликка, томонларнинг агрессив ҳаракати иккинчи томоннинг агрессив ҳолатини келтириб чиқариши» таъкидланган. Муаллиф фикрига кўра, ушбу назарияда айрим шахсларда зўравонлик аломатлари пайдо бўлишининг сабаблари ифодаланган, лекин шундай ҳолатлар борки бундан истисно. Масалан, мулойимлик билан, агрессивликни намоён қилмасдан бифарқликда айбланиш ва зўравонликка учрашлари ҳам мумкин.

Структура (келиб чиқиш) назарияси патриархат даврига бориб тақалади. Жамиятдаги патриархал тизим қолдиқларининг маиший зўравонлик билан боғлиқлиги Россия-Америка олимлари қўшма тадқиқотларида ўз аксини топган. Ушбу назарияга кўра, зўравонликнинг асосий сабабчиси гендер тенгсизлик, яъни эркак оиладаги молиявий масалалар ва асосий қарашларни қабул қилувчи, аёл эса ҳеч қандай ҳуқуқларга эга эмаслиги, деб қаралади<sup>13</sup>. Патриархал тизимда эркак томонидан қилинган зўравонлик яққол кўринади, чунки эркакнинг ресурслари аёлликдан паст. Бундай шароитда эркак ўз эркаклигини кўрсатиш учун зўравонлик ишлатади. Диссертант фикрига кўра, эркак ўзининг гендер ўзлигининг кризисидан чиқиши учун зўравонликни қўллаиди.

Ижтимоий уқиш назариясига кўра, эркакни ўраб турган муҳит ҳам унинг зўравонлиги ортиб боришига сабабчидир. Инсон ўзига бўлган эътиборга эришиш учун жамият уни хужумкор қилади, деб ҳисоблайди. Дастлаб зўравонлик унинг ўзига нисбатан кўрсатилган зўрлик сабабли вужудга келади (ёш болалик чоғида ўз туйғуларини кўрсатишга монелик), кейинчалик аёлларга бўлган муносабат, ниҳоят, жамиятга нисбатан бўлган зўрликка олиб келиши таъкидланган. Ушбу назарияда зўравонлик – эркакнинг ўзига нисбатан қўлланган зўравонликка жавобан аёлини ўз ҳукмига бўйсундиришга уриниш, унинг устидан ҳар қандай йўллар орқали назорат ўрнатишга ҳаракат қилиши билан ифодаланади.

Интерактив назария марказида зўравонлик муносабатлари мулоқотнинг турлари деб ҳисобланади. Эркакнинг аёлга бўлган зўравонлиги эркакнинг ижтимоийлашишида – болалиқдан ота-она ва яқинлари томонидан куч ишлатиш билан мулоқот қилиш мумкин деб ўрганганлиги сабаб деб ҳисобланади. Ушбу назарияга кўра, оиладаги эркакнинг зўравонлиги аёлнинг хатти-ҳаракатига, оиладаги ҳукмронлик муҳитига боғлиқ, чунки аксарият муаммоларнинг ҳал этилиши эркак томонидан бўлади, бунинг натижасида зўравонлик келиб чиқади.

Диссертациянинг **«Маиший зўравонликка учраган хотин-қизлар билан ишлаш самарадорлигини ошириш йўллари»** деб номланган иккинчи бобда диссертант хотин-қизларга нисбатан маиший зўравонликни бартараф

<sup>13</sup> Окно в русскую частную жизнь / Римашевская Н. [и др.]. – Москва.: 2001. – С.39.

этишга қаратилган сиёсатнинг самарадорлигини баҳолаш масалаларига, маиший зўравонликка учраган хотин-қизлар билан ишлаш самарадорлигини ошириш механизмлари ва хотин-қизларга нисбатан маиший зўравонликни камайтиришга қаратилган хориж тажрибасига доир (АҚШ, Канада, Германия, Япония давлатлари мисолида) масалалар ўрганилди.

Кейинги вақтларда жаҳонда зўравонликка қарши олиб борилаётган ишларнинг энг яхши тажрибасини аниқлаш ва оммалаштириш бўйича муайян ишлар олиб борилмоқда.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, БМТ томонидан ишлаб чиқилган индикаторлар фақат маиший зўравонликка тааллуқли бўлган статистик маълумотларни бера олади, холос. Лекин зўравонликнинг жамиятдаги ижтимоий-маданий контекстини таҳлил қилиш имконини бермайди. Айнан шунинг учун, олимлар ва тадқиқотчилар томонидан методлар ишлаб чиқилган. Улардан жаҳон миқёсида кенг қўлланилаётгани: хавфни баҳолаш (Ж.Кэмпбелл), маиший зўравонликни скрининглаш (К.Уильямс, М.Даттон) ва эрнинг тазйиқи хавфини баҳолаш (Л.Ричардс) методларидир.

Ж.Кэмпбелл методи жабрланувчига ёрдам бериш, хавфнинг хатарлилик даражасини аниқлаш ёки такрорланишини прогноз қилиш учун ишлаб чиқилган клиник ва тадқиқот воситасидир. Аввало, бу восита тиббиёт мутахассисларига жабрланувчига маслаҳат беришда ва уларнинг хавфсизлигини режалаштириш сифатида қўлланилган<sup>14</sup>.

К.Уильямс, М.Даттонлар томонидан ишлаб чиқилган методдан суд томонидан расмийлаштириладиган баённомаларни кўриб чиқишда, маиший зўравонлик хавфни скрининглашда фойдаланилади. Агар хавфни скрининглаш хавфнинг юқори даражасини кўрсатса, хавфга тезкор баҳо берилади. Ҳозирги пайтда хавфни скрининглаш методи судгача бўлган текширувларда қўлланилади.

Эрнинг тазйиқи хавфини баҳолаш Л.Ричардс томонидан ишлаб чиқилиб, «Хавфни тўла-тўқис баҳолаш ва раҳбарлик принциплари мажмуаси» сифатида ишлаб чиқилган. У йигирма банддан иборат бўлиб, маиший зўравонликни тадқиқ қилувчи адабиётлардан зўравонликда айбланувчи эркакларнинг жинсий ҳаракатлари, психологик мослашув, ҳуқуқбузарликнинг тавсифи ва бошқаларни ўз ичига олади.

Бугунги кунда маиший зўравонликни камайтириш борасида жаҳон ҳамжамияти томонидан турли механизмлар ишлаб чиқилган. Уларнинг аксарияти, халқаро ҳуқуқ нормаларида, шунингдек, миқдорий ва сифат стандартларида ўз ифодасини топган. Маиший зўравонликка учраган хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган хориж тажрибаси шуни кўрсатадики, уларда маиший зўравонликка учраган хотин-қизларни ҳимоя

---

<sup>14</sup> Гудман Л.А., Беннет Л. Прогнозирование повторных злоупотреблений среди арестованных лиц, совершивших насилие: использование шкалы оценки опасности в системе уголовного правосудия. Журнал межличностного насилия. – Москва. 2000. – С.15.

қилишда, асосан, ҳуқуқий, иқтисодий ва психологик жиҳатларига кўпроқ эътибор қаратилади.

Диссертантнинг фикрига кўра, ҳар қандай мамлакатнинг ривожланиши кўп жиҳатдан жамоатчилик ва давлат бошқаруви тизими, қарорлар қабул қилиш механизмлари билан белгиланади. Ҳокимият жамият олдида турган муаммоларни ҳал қилишда ўз ҳиссасини қўшиши, ушбу муаммоларни тушуниши ва ечим имкониятларига эҳтиёткорлик билан баҳо бериши шарт. Маиший зўравонликнинг олдини олиш ва йўқ қилиш бўйича аниқ чораларни кўриб чиқиш лозим, шу жумладан, жабрланувчига нисбатан бошқа зўравонлик хатти-ҳаракатини содир этиш эҳтимолини баҳолаш учун хавфни таҳлил қилиш воситаларини қабул қилиш, амалга ошириш ва мониторинг қилиш керак.

**«Ўзбекистонда маиший зўравонликка учраган хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилишни такомиллаштириш йўналишлари»** деб номланган учинчи бобда Ўзбекистонда маиший зўравонликка учраган хотин-қизлар билан ишлашнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари, маиший зўравонликка учраган хотин-қизларни ижтимоий ҳимоялаш тизими муаммоларининг эмпирик таҳлили, маиший зўравонликка учраган хотин-қизлар ижтимоий ҳимоялаш тизимини такомиллаштириш имкониятлари тадқиқ қилинди.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва хотин-қизларга нисбатан зўравонликнинг барча турларига барҳам беришга йўналтирилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислохотларнинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, хотин-қизларни комплекс ҳимоялаш борасида амалга оширилган ишларни уч босқичга бўлиш мумкин.

1. Биринчи босқич – 1991-2000 йилларни ўз ичига олиб, аёлларнинг турмуш тарзи ва умумий аҳволида мураккаб ҳолатлар, муаммолар ечимини топиш борасида изланишлар олиб борилди. Хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, хотин-қизларнинг социал, ҳуқуқий ва иқтисодий билим даражасини юксалтириш бўйича хотин-қизлар ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, шунингдек, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатини яхшилаш ва эҳтиёжларини янада тўлароқ таъминлашга эътибор қаратилди.

2. Иккинчи босқич – 2001-2010 йилларни ўз ичига олади, бу босқичда мамлакатимизда янги фуқаровий жамият қуриш жараёнида нафақат шаҳар марказларида, балки қишлоқ жойларда ҳам аҳолининг турмуш тарзи ва маданиятини сифат жиҳатдан ўзгартириш, чекка ҳудудлардаги хотин-қизларни иш билан таъминлаш, тадбиркорлик учун қўшимча имтиёзлар бериш, илм-фан соҳасида эришилган ютуқларни рағбатлантириш вазифалари давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

3. Учунчи босқич – 2010 йилдан ҳозирги кунгача бўлган вақтни ўз ичига олади, ушбу даврда хотин-қизларни манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашга,

хотин-қизлар бандлигини ошириш, иш билан таъминлаш, кундалик турмушда зўравонликка учраган аёлларни комплекс ҳимоялашга доир бир қатор тегишли қонунлар қабул қилинди. Жумладан, 2019 йил 2 сентябрдаги «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Қонун<sup>15</sup>, 2019 йил 2 сентябрдаги «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун<sup>16</sup>, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 5938-сон Фармони<sup>17</sup>.

Хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик даражасини камайтириш учун халқ билан мулоқотлар ўтказилмоқда, 200 та туман ва шаҳарда реабилитация шелтер-марказлари муваффақиятли фаолият олиб бормоқда, зўравонлик қурбонларига Ҳимоя ордерлари берилмоқда ва «ишонч телефонлари» ишламоқда.

«Ишонч телефонлари» зўравонлик қурбонига айланган аёллар ва қизларга оғир вазиятдан чиқишларига ёрдам бериб, руҳий, ҳуқуқий ҳамда тиббий кўмак беради. Бунда аёлнинг хоҳишига кўра унинг мурожаати сир сақланади. Айниқса, ёрдамга муҳтож бўлган, низоли вазиятларда, оилавий-маиший зўрлик ишлатилганда ва ўз жонига қасд қилишга мойил ҳолатларда тезкор, шошилиш ёрдам кўрсатади.


Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссия бошчилигида, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Аҳолишунослик жамғармаси (ЮНФПА) кўмагида Реабилитация ва мослаштириш республика маркази қошида «Зўравонликка йўл йўқ!» телеграмм канали фаолияти йўлга қўйилган. Канал, энг аввало, хотин-қизлар, қолаверса, гендер зўравонликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш масаласи билан бевосита ва билвосита дахлдор бўлган давлат, нодавлат идора ва ташкилотлар, журналист ва блогерлар ҳамда кенг омма учун мўлжалланган. Телеграмм каналида хотин-қизларнинг ўзлари ёки яқинлари оилада ёхуд иш жойида гендер зўравонликка учраган тақдирда, керакли ҳуқуқий ёрдам, амалий маълумот, кимга ва қаерга мурожаат қилиши ҳақида зарур ахборотларга эга бўлишлари мумкин<sup>18</sup>(1-расм).

<sup>15</sup> 2019 йил 2 сентябрдаги «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Қонун. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.09.2019 й., 03/19/562/3681-сон.

<sup>16</sup> 2019 йил 2 сентябрдаги «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 03.09.2019 й., 03/19/561/3680-сон.

<sup>17</sup> 2020 йил 18 февралдаги «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5938-сон Фармон. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.02.2020 й., 06/20/5938/0187-сон; 03.04.2020 й., 06/20/5978/0393-сон

<sup>18</sup> Нарбаева.Т. Ўзбекистонда хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг инновацион модели.Социодискурсив таҳлил. Монография. – Тошкент: Тасвир. 2020. – Б.115.



**1-расм. Хотин-қизларга нисбатан зўравонлик ҳолатлари тўғрисида маълумот**

